



**ООО "XBFINANSEKONSULTING"**  
**АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ**

**“Жиззах марказий деҳқон бозори” акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا ижобий фикр билдирилган**

**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.**

**“Жиззах марказий деҳқон бозори”  
акциядорлик жамияти раҳбариятига.**

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхонанинг реквизитлари:

Корхона ва ташкилотининг  
тўлиқ номи  
Юридик манзили ва телефон  
рақамлари  
Банк реквизити

“Жиззах марказий деҳқон бозори” акциядорлик  
жамияти (кейинги матнларда «Корхона» деб юритилади)  
Жиззах вилояти Жиззах шаҳри, Тошкент кучаси 2-уй..

Ҳисоб рақами 2020800503647001.  
АТ “ ИпотекаBANK” Жиззах филиали, банк  
коди(МФО) 00122.  
201075201.

СТИР

**Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:**

Аудиторлик ташкилотининг  
тулик номи:  
Юридик ва почта манзили:  
Давлат руйхатидан  
утказилганлиги тугрисида  
маълумот:  
Аудиторлик фаолияти учун  
лицензия:

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XB  
FINANSE KONSULTING» аудиторлик ташкилоти  
Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси 11/2-А.  
Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида  
ГУВОХНОМА № 1018 2005 йил 11 майда берилган

Банк реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан  
2019 йил 11 апрелда берилган АФ.00809-сонли  
"Ўзбекистон республикаси ҳудудида аудиторлик  
фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи" лицензия  
Асосий жорий ҳисоб рақами: 20208000604408712001  
«DavrBank» Чилонзор филиали  
(МФО:01046)ИНН:205666530, ОКЭД: 69202.

Аудиторлик ташкилоти  
директори:

Рузимов М.С, Аудитор малака сертификати №05540 2017  
йил 22 декабрда берилган

Аудиторлик текшируви  
раҳбари:

Рузимов М.С, Аудитор малака сертификати №05540 2017  
йил 22 декабрда берилган

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “XB FINANSE KONSULTING”  
аудиторлик ташкилотининг аудитори Рузимов М.С, Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540-сонли «Аудитор малака сертификати»га ҳамда аудиторлик ташкилоти билан «Жиззах марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ўртасида тузилган шартномага асосан «Жиззах марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамиятининг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – форма № 2, шаклларида иборат молиявий ҳисоботларининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Жиззах марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр.**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Жиззах марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**«XB FINANSE KONSULTING» Аудиторлик**  
**Ташкилоти директори/аудитор:**



RB

**Рузимов М.С**

**Хулоса тузилган сана:**

**«20» апрел 2021 йил.**